



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 20 август, № 164 (4574)

Чоршанба

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир



ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР



Пойтахтимизда янги қад ростлаган муҳташам Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг V Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси кўмагида ташкил этилди.



Темур ҚУРБОНБОВ олган суратлар.

Бундай республика ёшлар форумлари "Келажак овози" маркази томонидан 2006 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу гапга анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 700 нафардан зиёд йигит-қиз — Ёшлар ташаббуслари марказининг худудий бўлиmlари фаоллари, шунингдек, "Келажак овози" республика танлови Жамоатчилик кенгаши ва жамғарма-

нинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Форумда аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда ёш авлод манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлод — муносиб ўринбосарларни тар-

биялашга, уларнинг жаҳон стандартлари асосида билим олиши, йигит-қизларимизда энг юксак маънавий фасилатларни камол топтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг истеъдод ва қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам бериш учун барча шарт-шароит яратилган. Ушбу масалаларни ҳал этиш инсон манфаатлари энг олий қадрат деб эълон қилинган мустақил Ўзбекистон-

да давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Мамлакатимизда ёшларнинг нафақат муқаммал билим эгаллаши, айни вақтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мақсадли давлат дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Кейинги йилларда янгича дунёқарашга эга, мустақил фикрлайдиган, қатъий ишон-

ва эътиқодга эга, мамлакатни ва халқни содиқ, Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун муносиб хисса қўшишга интиладиган ўн минглаб янги авлод мутахассислари тайёрланди. Давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда ушбу серқирра фаолият ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлан-

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ АСАР

Тадбирда сўзга чиққанлар маънавият инсонни руҳан поклашиш ва улғайишга чорлайдиган, одамнинг иродаси, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган бекиёс куч эканини алоҳида қайд этдилар. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, аждодларимизнинг бетакрор меросини ўрганиш, маънавиятимизни юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

инсон ҳаётининг маънавомазмуни ҳақида ўйлашга ундайдиган, тафаккуримизни кенгайтирадиган, ён-атрофимизда кечаётган турли-туман воқеалар моҳиятини англашга кўмаклашадиган манба бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг мақур асари, аввало, ана шундай хатарлардан огоҳ этадиган,

— Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асари маънавомазмуни, ифода услубига кўра содда ва равлон тилда, кенг китобхоналар учун тушунарли тарзда ёзилган, — дейди вилоят Маънавият тарғибот маркази раҳбари Суяр Қурбонқуллов. — Мақур асар мамлакатимиз келажак бўлган ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Зеро, инсон учун ҳар доим энг буюк бойлик бўлган маънавиятнинг туб моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини англаш барчамиз учун муҳимдир. Ана шундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

УЙ-ЖОЙ БОЗОРИДА РАҚОБАТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аҳолини қулай ва шинам уй-жой билан тўла-тўқис таъминлаш, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиш тизимини жорий этиш масалаларига катта аҳамият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Яқка тартибда уй-жой қурувчиларини ҳамда аҳоли учун уй-жой қураётган хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга ёрдам бериш мақсадида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур Қарор соҳанинг қонуний базасини ривожлантиришга зўр омиш бахш этди. "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги "Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 272-сонли ва 2007 йил 3 январдаги "Уй-жой қурилишига, уй-жойларни реконструкция қилиш ва уй-жой сотиб олишга ипотека кредитлари бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2-сонли қарорлари қабул қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма минтақаларида уй-жой қуриш, уни сотиб олиш ва таъмирлаш соҳасида аҳолининг кенг қатламларида замонавий банк, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатилмоқда. 2005-2007 йилларда ва жорий йилнинг биринчи ярмида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки томонидан 50,9 миллиард сўм, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларига 31,1 миллиард сўм миқдорда ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 21,5 миллиард сўмдан кўпроқ ипотека кредитлари берилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш кенгайиб бормоқда.

Ушбу доллар масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки билан биргаликда ташкил этилган "Уй-жой бозорини рақобатини янада рағбатлантириш масалалари" мавзусидаги давра суҳбатиди муҳокама мавзуси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон-Индонезия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Le Grand Plaza меҳмонхонасида Индонезия Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Шахрил Сабариддин журналистларга икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари хусусида гапириб берди.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 июнь кунини ўрнатилган. Утган вақт мобайнида икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланиб бормоқда.

Айни пайтда республикамизда Индонезия капитални иштирокчида тузилган қатор корхоналар мавжуд бўлиб, улар маркетинг, меҳмонхона хизмати, телекоммуникация соҳаларида фаолият юритиб келмоқда.

Айни пайтда қўллаб индонезиялик сармоядорлар Ўзбекистон-

даги инвестиция лойиҳаларида иштирок этишга қизиқиш билдиришпти. Утган йили икки мамлакат расмий ва ишбилармон доиралари вакилларининг бир неча ташрифлари бўлиб

Дунё нигоҳи

Ўтиб, Жакарта ва Тошкент шаҳарларида бизнес-семинарлар ташкил этилди.

— «Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар анчайин юқори даражада, — деди Ш. Сабариддин матбуот анжуманида. — Иқтисодий, маданий, сайёҳлик ва спорт соҳаларидаги алоқаларимиз тобора ривожланиб бормоқда. Буни мунтазам равишда ўтказиб келинаётган икки томонлама делегацияларнинг ташрифлари ҳам тасдиқлаб турибди. Учрашувлар чоғида биз


таълим, қишлоқ хўжалиги, талабалар ва ўқитувчилар алмашуви каби йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашяимиз.

Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Мамлакатингизда яратилган қулай сармоявий муҳит хорижий сармоядорларга иш юритиш ҳамда ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда».

Шу ўринда қайд этиш жоизки, утган йилнинг декабрь ойида юртимизга Индонезиянинг Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунго Лаксоно бошчилигидаги парламент делегацияси ташриф буюрган эди. Учрашувлар чоғида томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашишди.

(Давоми 2-бетда).

Пекинда давом этаётган XXIX ёзи Олимпиада ўйинларининг ўн биринчи кунини ўзбекистонлик спортчилар учун омадли қолди. 19 август кунини юртдошларимиз эркин кураш, энгил атлетика, бандарка ва канозда эшак эшиш ҳамда спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда иштирок этдилар.



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.



Навбатдаги ғалаба


Мухими, шу кунини терма жамоамиз хазинаси яна битта Олимпиада ўйинлари медали билан бойиди. Спорт гимнастикасининг бруссада машқ бажариш беллашувларида мамлакатимиз шарафини химоя қилган Антон Фокин 16.200 балл жамғариб, XXIX ёзи Олимпиада ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди. У бронза медалигача кечган баҳсларда Хитой, Германия, Словения, Россия ва Жанубий Корея мамлакатларининг тажрибали гимнастикачиларини орта қолдирди. Эслатиб ўтамиз, Антон Фокин жорий йил Словенияда ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида совриндорлар сафидан жой олган эди. Шундай қилиб,

Пекин Олимпиадасида ҳамюртларимиз ҳисобидаги медаллар сони тўрттага етди.

Байдарка ва канозда эшак эшиш мусобақасида қатнашаётган Осиеў уйинлари совриндори Вадим Меньков бу йилги мусобақаларда яхши натижаларга эришмоқда. Вакилимиз бир кун олдин 1000 метрга саралаш беллашувида ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, тўғридан-тўғри финал босқичига йўллангани қўлга киритганди. Вадим 500 метрга саралаш мусобақасидан ҳам муваффақиятли ўтиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

(Давоми 4-бетда).

Бир рақам шарҳи



2008

Йилнинг олти ойи мобайнида республикамизда рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик корхоналари сони шу йилнинг бошидаги кўрсаткичга нисбатан

2,9

фоиз ўсди.

Жойларда кичик бизнес субъектларини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилайтгани, уларга имтиёзлар берилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли шундай ўсишга эришилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдидан

Кимлар назорат тартибда протест келтириш тўғрисида ариза беришга ҳақли? Парламентимиз юқори палатасининг ўн бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аниқ шуну ва бошқа масалаларни ўз ичига қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди томонидан қўйилган муҳокамасига 2008 йил 2 майда киритилган

мазкур Қонун шу йил 12 июнда "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида" деган ном билан қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун 16 июнда тақдим этилган. Мўҳбиримизнинг Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда РАЖАБОВА билан суҳбати ушбу ҳужжат мазмун-моҳияти, халқимиз турмушидаги аҳамияти хусусида бўлди.

сининг биринчи қисмига қўра, қассия шикоятига (протестига) қўйилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим, деган норма киритилмоқда. Бу ўзгартишлар айни вақтда протест келтирган мансабдор шахсга протестни қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга, уни тўлдирши ва ўзгартириш ҳуқуқларини ҳам бермоқдаки, бу ҳол, ўз навбатида, уни қўшимча ўрганиш асосида протестда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиши имкониятини яратди.

УЙ-ЖОЙ БОЗОРИДА РАҚОБАТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда ипотека муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда уй-жой қурилишига узоқ муддатли имптезали ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш тажрибаси, шунингдек, ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш, қурилиш индустриясини ривожлантириш, тармоқда вақтдошларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида уй-жой фондидан фойдаланишни яхшилаш масалалари муҳоама қилинди.

РАҚОБАТНИ ЙЎЛИДА

Мунозара асосида давра суҳбати иштирокчилари ипотека бозорини ривожлантириш ва ипотека муносабатларини рағбатлантириш, ипотекани рўйхатдан ўтказиш механизмлари такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ва ипотека билан боғлиқ бошқа молия бозорларининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш масалалари юзасидан тақлифлар билдирдилар ва тавсиялар қабул қилдилар.

ОДИЛ СУДЛОВ — ҚОНУН ТАЛАБИ

— Янги Қонуннинг мақсади нималардан иборат, уни қабул қилишга қандай омиллар туртки берди?

— Қонуннинг асосий мақсади ҳўжалик процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали ҳўжалик юритувчи субъектларнинг суд йўли билан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларини янада самаралироқ таъминлашдан иборат. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг "Протест келтириш" деб номланган 197-моддасига қўра, протест келтириш ушбу асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан, ишда иштирок этувчи шахонинг аризаси муносабати билан мансабдор шахс протест келтирди ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раёсатига юборди. Хўжалик судининг қонуний қўра қилган ҳал қилув қарорига ва қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш апелляцияси ёки қассия инстанцияси судида қўрилганидан кейин берилиши мумкин. Мазкур Кодекснинг 193-моддасига мувофиқ эса, Олий ҳўжалик

Олий ҳўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларига мамлакатимиздаги ҳар қандай ҳўжалик судининг қонуний қўра қилган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу протест келтиришга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно). Шуниси ҳам борки, кодекснинг "Назорат тартибда иш юритиш" деб номланган 23-боби ишда иштирок этувчи шахслар томонидан назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги ариза бериш таомили етарли даражада аниқ белгиланмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур шахсларга майяи даражада қийинчиликлар туғдиришмоқда.

— Демак, булар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга туртки берибди-да?

— Ҳа. Шу боис, кодекс "Протест келтириш тўғрисидаги ариза" деб номланган 192-модда билан тўлдирилмоқда. Ушбу модда ишда иштирок этувчи шахслар судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларига мамлакатимиздаги ҳар қандай ҳўжалик судининг қонуний қўра қилган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу протест келтиришга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно). Шуниси ҳам борки, кодекснинг "Назорат тартибда иш юритиш" деб номланган 23-боби ишда иштирок этувчи шахслар томонидан назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги ариза бериш таомили етарли даражада аниқ белгиланмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур шахсларга майяи даражада қийинчиликлар туғдиришмоқда.

ран уч йил ўтганидан кейин беришган аризалар қўриб чиқилмайди. Аризани қўриб чиқишнинг умумий муддати бир ойни, иш талаб қилиб олингандан ва текширилган ҳолларда эса икки ойни ташкил этади. Ариза берган шахсга, протест келтириш учун асослар бўлмаган тақдирда, аризани қўриб чиқишдан қўриб чиқиш сабаблари қўриб чиқиш, ёзма жавоб берилиши лозим.

— Ушбу Қонунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш назарда тутилганми?

— Ҳа. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш назарда тутилганми? Ушбу модда протест келтириш тўғрисидаги ариза бериш таомили етарли даражада аниқ белгиланмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур шахсларга майяи даражада қийинчиликлар туғдиришмоқда.

Ўзбекистон-Индонезия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яқинда, шунингдек, Индонезия парламентининг қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмончилик ишлари бўйича комиссияси вакиллари билан делегация юртимизда меҳмон бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университетидега урчуларлар ўтказди. Музоқараларда мазкур соҳада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истибҳоларига доир масалалар муҳоама қилинди.

ҚИРРАЛАРИ

Индонезияликлар диёрингиздаги қўна шахслар, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Термиз ҳақида яши билишди. Халқларимиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларини кенгайтириш мақсадида икки мамлакат ўртасидаги сайёҳлар оқимини қўпайтиришни режалаштирганми?

— Ҳа. Шунингдек, мамакатларимиз ўртасида маданий ва гуманитар алоқаларга ҳам тўхталиб ўтди. «Жаҳондаги энг қадимий давлатлардан бири Тошкент, Ўзбекистон бую тарихий ва маданий меросга эга. Ислоом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган қўлаб буюқ олиму мутафаккирлар, жамяят ва дин арбоблари ушбу бетақдор заминда туғилиб, қамол топган. Ўзбекистон тарихий ёдгорликлар ва буюқ бобоканолар меросини асраб-авайлашга катта эътибор қаратиб келмоқ-

да. Индонезияликлар диёрингиздаги қўна шахслар, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Термиз ҳақида яши билишди. Халқларимиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларини кенгайтириш мақсадида икки мамлакат ўртасидаги сайёҳлар оқимини қўпайтиришни режалаштирганми?

Зафар АБДУҒАФФОРОВ, «Жаҳон» АА.

Давра суҳбати

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан одам савдосига қарши курашиш, ушбу жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам қўрсатиш механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КҮНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КҮЧИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

тирилди, тегишли давлат дастурини амалга ошириш доирасида янада чуқур мазмун билан бойитилгани таъкидланди. Ушбу жараёнда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

нов ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар. Марказ таълим, маданият ва санъат, ахборот технологиялари, ёшлар ташаббусларини қўлаб-қувватлаш, ёшлар ахборот маркази ҳамда Интеллектуал клублар уюшмаси йўналишлари бўйича самарали фаолият қўрсатмоқда. Форум катнашчилари марказ фаоллари томонидан ишлаб чиқилган яна бир янги йўналиш — ёш тадбиркорлар мактаби билан ҳам танишдилар. Бу ерда йигит-қизлар бизнес сабақларини ўзлаштириши, ўз ишини қандай ташкил этиш ва ривожлантириши ўрганиши мумкин.

халқаро ёшлар туризм бюроси, «Lingo-Master.uz» тилига оид электрон маълумотлар базаси, «Дилемма» нотиклик санъати клуби ташкил этилгани таъкидланди. Форумда уларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида ҳар кун НТТ телеканаллари тармоғи орқали ёшлар қўрсатувларини эфирга узатадиган «Келажақ овози» телестудияси ўзининг энг яхши лавҳаларини намойиш этди, матбуот маркази эса «Келажақ овози» газетасининг ушбу кунга бағишлаб чиқарилган махсус сонини тақдим этди. Форум иштирокчилари «Келажақ овози-2008» ёнги ўқув оромгоҳи фаолиятини ҳам муҳоама этдилар. Жорий йилда ёнги ўқув оромгоҳида марказнинг 500 нафарга яқин фаол аъзоси ҳордиқ чиқарди.

Дам олиш вақтида иқтидорли йигит-қизлар учун уларнинг қизиқишлари бўйича семинар-тренинглар ташкил этилди. Форумда марказ фаоллари томонидан яратилган либослар коллекцияси намойиш этилди, «Келажақ овози» чолу ансамбли ўз дастурини тақдим этди. Анжуман катнашчилари йил бошидан буюн амалга оширилган ишлар натижаларини қўриб чиқдилар ва келгусидаги фаолият режаларини белгилдилар. Келгусида ҳам амалдаги лойиҳаларни рўйбга чиқариш давом эттирилади. Шунингдек, ёшлар иқтисодий ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ҳамда қўлаб-қувватлаш имконини берадиган қатор янги лойиҳаларни ишлаб қилиш кўзда тутилмоқда.

бебаҳо меросининг ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш истеъдод соҳибларининг бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, бугунги кунимизни ақс эттирувчи тасвирий, амалий ва фотоанъанат соҳасидаги ишлари қўрағамлари йўналишини йўлга қўйиш мақсадида барпо этилди. Бундан ташқари, бу ерда концертлар, маданият намоёндалари билан ижодий учрашувлар, ёшлар конференциялари, семинарлар, бошқа тадбирлар ҳам ўтказилди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири.

Инсон шаъни олий қадрият

Унда қатор вазирликлар, нодавлат нотиклар ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Ақбарова, Республика Бош прокурори ўринбосари А.Шарофуддинов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар томонидан мазкур қабил жиноятнинг олдини олишда, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Алдамчи қимсаларнинг ёлғиз ваъдаларига умаслик қўп жихатдан олдидеги саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Алдамчи қимсаларнинг ёлғиз ваъдаларига умаслик қўп жихатдан олдидеги саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Алдамчи қимсаларнинг ёлғиз ваъдаларига умаслик қўп жихатдан олдидеги саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Пойтахтимиз кўрқига кўрқ қўшган ажайиб меъморий мажмуа — Ёшлар ижод саройида "Навқирон Ўзбекистон" республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали очилди. Мазкур фестиваль "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда икки йилда бир марта ўтказилади. Фестивалда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 18 дан 35 ёшга бўлган 200 нафардан ортик рассом ва амалий санъат устаси иштирок этмоқда.



ВАТАН МЕҲРИ — ИЛҲОМ МАНЪБАИ

Халқимизнинг тарихий-маданий мероси гоят бой, буюқ аждодларимиз — шоирлар, олимлар, мутафаккир ва меъморлар жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшганлар. Замондошларимизнинг ижоди ҳам бой ва серқиррадир. Мамлакатимизда янги ҳаёт қуриш йўлида эришилган муваффақиятлар, Ватанга, унинг ажайиб табиати, ватанга муҳаббат ижод ахлини янги-янги асарлар яратишига илҳомлантирмоқда. Бугун уларнинг ишлари дунёнинг энг машҳур музейларида намойиш этилмоқда, энг нуфузли халқаро танловларда совринли ўринларга эришмоқда.

ридандир. Мамлакатимиз ҳудудларида халқ усталари мактаблари қайта тикланди, истеъдодли ёшлар уларнинг ноёб сирларини кунт билан ўрганоқдалар. Ёшларимизнинг санъат турлари бўйича ўз қобилиятини юзага чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган. Ва бу эзгу самъа-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. "Навқирон Ўзбекистон" республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ҳам бунини аққол тасдиқлайди.

ўзига хос тарзда ҳис қилиш, унинг мукамаллиги ва хилма-хиллиги ёрқин ақ этган. Фестиваль доирасида Ўзбекистон санъат намоёндаларининг маҳорат сабоқлари машғулотлари ҳам ташкил этилади. Тадбир катнашчилари ўзаро тажриба алмашиб, амалий кўникмаларини такомиллаштириш имконига эга бўладилар. Устозларнинг доно маслаҳат ва йўл-йўриқлари эса, ўз навбатида, уларга келгуси фаолиятда ёрдам беради. Ҳайъат истиқлол байрами арафасида фестивал йўналиши бўйича лауреатларни аниқлайди ва қимматбах овозлар топирилади. Фестивалнинг очилишида ёш эстрада артистлари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

А. ВИТАЛЬЕВА, ЎЗА муҳбири.

СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Пойтахтимизда Ёшлар ижод саройида 19 август куни бўлиб ўтган V Ёшлар форумида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан иқтидорли йигит-қизлар иштирок этди. ЎЗА муҳбирлари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажақ овози" Ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган мазкур анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Али НАВРЎЗОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодий институт талабаси: — «Келажақ овози» иқтидорли ёшлар танловига тақдим этган экологик тоза биодизель ёқилги ишлаб чиқариш технологиясига оид лойиҳам рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар номинацияси бўйича Қашқадар вилояти босқичида голиб чиқди.

нологиялари йўналиши бўйича ўзимиз ишлаб чиққан дастур — Сурхондар вилоятининг веб-портали учун голиб чиққан эдик. Ушбу порталда вилоят тарихи, жўрофияси, аҳолиси, маданияти ва урф-одатлари ҳақида кенг маълумотлар жамланган.

Ушбу технологиянинг ўзига хослиги ёқилги ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган хом ашёдан — ўсимликлардан фойдаланилади. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларнинг пухта билим олиши, жамяятда муносиб ўрнини топиши учун барча шарт-шароит яратилган. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажақ овози" Ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган ва изланувчан ёшларни рағбатлантиришга хизмат қилаётган "Келажақ овози" иқтидорли ёшлар танлови ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Айни кунларда гуруҳимиз билан яна бир лойиҳа — мамлакатимизнинг электрон тибий энциклопедиясини яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу энциклопедия беш миңдан ортик касаллик турлари ва уларни даволаш усуллари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Максадимиз — янгидан-янги компьютер дастурлари яратиш орқали Ватанимиз — Ўзбекистоннинг дунёга янада кенгроқ танилишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Бахтиёр НОРМАТОВ, Жиззах политехника институт талабаси: — «Келажақ овози» танловида ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа йўналиши бўйича вилоят босқичи голиб бўлдим. Лойиҳам автомобиллар учун супортирланган газ шохобчаларини ташкил этиш бизнес-режасини ишлаб чиқишга қаратилган. Ундан қўланган асосий мақсад тенгдошларимни иш билан таъминлаш ва уларнинг вақтини мазмунли ўтказишдан иборат.

Пойтахтимизда қад ростилаган Ёшлар ижод саройи ўзининг муҳташамлиги, замонавийлиги билан ҳаммамизни лол қолдирди. Бу ёшларга гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча шахар ва қишлоқларида замонавий ўқув-лаборатория хизматлари билан таъминланган юзлаб коллеж ва лицейлар, янги мактаблар, муҳташам спорт саройлари барпо этилди. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича узоқни қўзлаган дастурлар ички амалга оширилмоқда.

Зухриддин ТЕМУРОВ, «Келажақ овози» иқтидорли ёшлар республика танловининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича 2007 йилдаги голиб /Сурхондарё/: — V Ёшлар форуми мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш, улар эришган муваффақиятлар билан танишиш имконини бераётганидан мамнунимиз.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча шахар ва қишлоқларида замонавий ўқув-лаборатория хизматлари билан таъминланган юзлаб коллеж ва лицейлар, янги мактаблар, муҳташам спорт саройлари барпо этилди. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича узоқни қўзлаган дастурлар ички амалга оширилмоқда.

Ана шундай мулоқотлар чоғида ўзимиз эришган натижаларни солиштириш имкони ҳам бор. Бир, бир гуруҳ ёшлар 2007 йили ўтган республика танловининг ахборот тек-

ЎЗА муҳбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёнб олди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Инфляция чўққига чиқди

Зимбабведа 2007 йилнинг июнидан шу йилнинг июнигача бўлган мuddатда йиллик инфляция 11,2 миллион фоизни ташкил этди.



"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, 2008 йилнинг май ойида инфляция 2,2 миллион фоизга тенг эди. Бироқ бир ой ичида кўрсаткич 9 миллион фоизга ошган. Мутахассислар иқтисодиётнинг тез суръатда тушиб бориши хали-бери яқун топмаслигини таъкидлашмоқда.

Табий офат талафоти

АҚШнинг Техас штатида давом этаётган кучли ёғин-гарчилик жиддий талафотларни келтириб чиқармоқда.



"Associated-Press" ахборот агентлиги хабарига кўра, штат жанубидаги 800 та хонадонни сув босди. Хозирда сув остида қолган уйлардан кишилар кема-ларда қутқариб олинмоқда.

Сўровнома натижаси

Буюк Британиядаги "The Guardian" нашри ICM (Independent Communications and Marketing) компанияси билан ҳамкорликда сўровнома ўтказди.



ган саволга берилган жавоблар ўрганилди. Газетанинг ёзишича, аҳоли ҳукумат раҳбарлигига Гордон Браун ва унга рақобатчи бўлиб турган Дэвид Милибанд номзодларини қўллаб-қувватлашганини билдирган. Сўровнома натижаларида Консерватив партия етакчиси Дэвид Кэмеронга хайрхоҳлар кўпчилиги маълум бўлди.

Расмий хулосасини чиқарди

Аввал хабар қилганимиздек, Покистон президенти Первез Мушарраф истеъфо берганди. Кеча мамлакат парламенти ушбу масалани кўриб чиқди ва ўзининг расмий хулосасини чиқарди.

"Си-эн-эн" телеканали хабарига кўра, парламент депутатларининг асосий қисми Мушарраф истеъфосини маъқуллади. Хабарларда айтилишича, янги президент сайлангунга қадар мамлакат раҳбарлиги вазифасини парламентнинг юқори палатаси раҳбари Муҳаммадмиан Соомро вақтинчалик бошқариб туради.

Энг севиб ўқиладиган асар

Бағдод (Ироқ)да афсонавий "Минг бир кеча" эртаги қаҳрамонларидан бири шоҳ Шахриёрнинг ҳайкали қайтадан таъмирланди.




"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, ҳайкал бундан беш йил аввал шаҳарда руй берган тўқнашуларда жиддий зарар кўрган экан. Айтиши жоизки, "Минг бир кеча" эртақлари нафақат Ироқда, балки дунё бўйича энг севиб ўқиладиган асарлардан бири ҳисобланади.

Антиқа кўйлак

АҚШнинг Айова университети тадқиқотчилари кўшдан элктр қуввати оладиган кўйлакни кашф эттишти. "Engadget" нашрида айтилишича, бу кўйлак аккумулятор вазифасини ўтади. Ундан қийналмай мобил телефони элктр билан қувватлантириши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



ЭЛГА МАДАДКОРМАН

Ўзбекистон Истиқлолга эришгач, яқка тартибда фаолият юритувчи бинокорлар учун ҳам кенг йўл очилиб, уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланди. Бу мени ўз соҳам бўйича мустақил иш тутишга ундади. Шунга кўра, қурилиш-монтаж юмушларини бажарувчи кўп тармоқли хусусий корхона очиб, 150 га яқин кишини иш билан таъминладим.

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун? Бунда темир-бетон ашёларни шохобчамизда тайёрлашни йўлга қўйганимиз, алюмин эшик-дерезаларни "Alutex" корхонаси билан тузилган шартнома асосида ўзимиз ясаётганимиз муҳим аҳамият касб этди. Албатта, фаолиятимиз кенгайгани сайин даромадимиз ҳам ортиб бораёпти. Биз унинг муайян қисмини корхонамиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва аъзоларимиз меҳнатини рағбатлантиришга, қолганини хайри ишларга сарфляймиз. Чунончи, охириги пайларда кам таъминланган оилалардаги талабалардан беш нафарини, сафарбарлик қақуриви резервидаги йигитлардан ўн нафарининг контракт пулларини тўладик. Болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларимизнинг ёзги оромгоҳларда кўнгили дам олишлари ва бошқа тadbирлар учун 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратдик, иккита маҳаллага эса янги сув насослари ўрнатиб бердик. Шунингдек, 10 сотихлик иссиқхона қуриб, мана, ноз-неъматлар етиштира бошладик. Хўш, энди ўзингиз айтингчи, агар Мустақиллик бўлмаганида, оқдодий бир тadbиркор шундай натижаларга эришармиди? Йўқ, албатта! Модомки, шундай экан, мен Истиқлолни энг олий бахт деб биламан. Келгусида ҳам бор иқтидорим ва куч-ғайратимни Ватанимиз равнақи йўлида сарфлайвераман.

Ҳамид МИРЗАКАРИМОВ, Бекобод туманидаги «Бегижон Мирза ота» хусусий корхонаси раҳбари.

Ғиждувонда ташкил этилган халқ амалий санъати кўргазмаларидан бирида илҳосмандлар Янги бобо Шарипов тўқиган бўйраларни узок томоша қилишди. Отаҳон шу ернинг ўзида ёшларга хос наққонлик билан бўйра тўқиганида хорижлик сайёҳлар ҳайрати ўн чандон ошди.

Қамишдан яралган мўъжиза

— Эсимни танибманки, бўйра тўқийман, — дейди 78 ёшли Янги бобо. — Шу ҳунар ортидан кам бўлмадим... Уста ишни қамиш танлашдан бошлайди. Кейин уни саралайди. Тегишли ўлчамада кесилган қамишни ёриб, янчади. Бу ишлар ёрғич ва кова ёрдамида бажарилади. Рисоладагидек ҳолатга келтириш учун уни кова билан тўрт юз мартача уришга тўғри келади. — Бўйранинг четида «қулоғи» бўлади, — дейди Янги бобо. — Шу «қулоқ» пухта тўқилса асло титилмайди, узок йиллар хизмат қилади. Яна бир жиҳати борки, бўйра синмайди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида 2008 йил 26 – 29 август кунлари «Ўзэкспомарказ»нинг 1 ва 2-павильонларида ЕХРО.UZ – 2008 анъанавий кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларидаги етакчи корхоналарнинг экспортга мўлжалланган маҳсулот намуналари ва хизматлари: илмий-ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ва самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги техникаси, саноат ва хўжалик электроникаси ишлаб чиқариш, телекоммуникация хизматларидан тортиб халқ истеъмоли молларигача намойиш этилади. Кўргазма манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 107-уй, «Ўзэкспомарказ». Кўргазмага хуш келибсиз!

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани мудофиа ишлари бўлими томонидан мuddатли ҳарбий хизматга қақурилган Абдуалим Салимов ўз йигитлик бурчини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда намунали ўтаб, олий таълим муассасасларига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тавсияномага эга бўлган эди.

СОБИҚ АСКАР ТАЛАБА БЎЛДИ

Бугун Абдуалимнинг қувончи чексиз. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориде белги-ланган имтиёزلардан фойдаланиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети-нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. — Ушбу университет талабалари сафига қўшилганидан жуда хурсандман, — дейди А.Салимов. — Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга қўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш, билдирилган ишончнинг оқлаши ва танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиш йўлида бор куч-ғайратимни аямайман. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллари мuddатли ҳарбий хизматни намунали тамомлаб, қўмондонликнинг тегишли тавсияномасига эга бўлган Абдуалим каби минглаб йигитлар мамлакатимиз олий ўқув юртилари талабалари сафига қўшилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эътибор қилинган жорий йилда эса бундай талабалар сафи янада кенгайди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий оқиқ аукцион савдосига таклиф этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий оқиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 17 декабрдаги 1498-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилиари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, Хонка қўчаси, 97-уйда жойлашган, «Урганч йўловчи» ташиш» ОАЖга тегишли, қурилиш ости ер майдони 447,32 кв. метрни ташкил қилган 2 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 260 667 700 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 11 сентябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонови кўчаси, 23-уйда ўтказилади. Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш, мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекбанк»и «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850. Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: 226-43-64. Лицензия: ДВ 001 № 000004.

Аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2006 йил 12 январдаги 2-316-06-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, А. Фитрат қўчаси, 157-«А» уйда жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, умумий майдони 1147,46 кв.м., қурилиш майдони 801,52 кв.м.дан иборат бинолар ҳамда 30 номдаги 50 дона мулк жиҳозлари билан қўйилади. Бошланғич нархи — 50 101 467 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 9 сентябрь куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уйда ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Андижон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, «Асака» банки Андижон вилояти филиали, МФО 00069, ИНН 200933850. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия: ДВ 001 № 006004.

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» ТЕПЛОПРИБОР СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М СИБНА

ТАШКИЛОТ ФАҚАТ БУЮРТМА БЎЙИЧА СОТАДИ «Chevrolet-Niva» 17800 \$ ва ундан юқори «Nissan-27175» 9500 \$ Етказиб бериш мuddати — 2 хафта. Етказиб бериш мuddати — 1-1,5 ой ичида. Тўлов шакли — турлича. Божхона тўловлари барча баҳоларга киритилган. Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97 (соат 9.00 дан 18.00 гача).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 19 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади. 1 Австралия доллари 1152,55 1 Англия фунт стерлинги 2467,24 1 Дания кронаси 261,20 1 БАА дирхами 359,19 1 АҚШ доллари 1319,31 1 Миср фунти 248,46 1 Исландия кронаси 16,07 1 Канада доллари 1248,28 1 Хитой юани 192,06 1 Малайзия рингити 395,83 1 Польша злотийси 584,26 1 СДР 2070,68 1 Туркия лираси 1113,34 1 Швейцария франки 1208,38 1 ЕВРО 1947,57 10 Жанубий Корея вони 12,63 10 Япония иенаси 119,80 1 Россия рубли 53,84 1 Украина гривнаси 272,36

«МЕХРЛИ САВДО» ШЎҒБА КОРХОНАСИ Россия, Украина ва Қозғистонда етиштирилган ГРЕЧИХА ЁРМАСИ, АРПА ЁРМАСИ, БУҒДОА ЁРМАСИ, СУЛИ ЁРМАСИ, ЯНЧИЛГАН НҲХАТ (ГОРОХ), ПЕРЛОВКА ВА ОҚЛАНГАН ТАРИҚНИ (ПШЕНО) пул ўтказиш йўли билан сотиб олади. Мурожаат учун телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-02.


УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади. Юк ташувчи УАЗ-3303, Юк ва йўловчи ташувчи учун махсус УАЗ-39625, Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун хажмли УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962, автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади. Шунингдек, қафолатли техник хизматлар кўрсатилади! МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Қўшимча кабинали УАЗ-39094. Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Навбатдаги ғалаба

(Давоми. Боши 1-бетда).

19 август куни эркин кураш мусобақасида икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари совриндори Дилшод Мансуров (55 кг.) ватинимиз шарафини ҳимоя қилди. Дилшод биринчи олишувда Қозоғистон курашчиси З. Мухторбекулий, иккинчи олишувда эса Беларусь полвони Ризвон Гадзиёвни мағлубиятга учратди. Аммо кейинги учрашувда япониялик Томохиро Матсунагага имкониятни бой берди. Бронза медал учун курашда россиялик Бесик Кудуховга ютқазиб қўйди ва бешинчи ўрин билан кифояланди. Шунингдек, кеча найза улоқтириш бўйича Анастасия Свечникова, 200 метрга югуриш бўйича Гўзал Хубиева мусобақаларда иштирок этдилар.



Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, кеча Тошкент халқаро аэропортидан энгил атлетика бўйича мураббий Валерий Коган, спортчилар — Виталий Смирнов, Надия Дўсанова, Павел Андреев, Светлана Радзивиц, Леонид Андреев, эркин ку-

раш бўйича мураббий Маъмуржон Рўзиев, спортчилар — Олимпиада чемпиони Артур Таймазов, Курбон Курбонов ва Заурбек Соҳиевлар Пекинга жўнаб кетишди. Курашга отланган спортчиларимизга Олимпиада ўйинларида омад тилаймиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.


Жиззахда бокс бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Азимжон Бадалов хотирасига бағишланган анъанавий VI халқаро турнир якунланди.

Бир ҳафта давом этган мусобақада мамлакатимиз вакилларида ташқари, қўшни Қозоғистон ва Тожикистондан келган жами 200 нафардан зиёд ёш «чарм қўлқоп» устаси ўн уч вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқди. Мусобақа якунида жаззахлик А. Эрматов, С. Йўлдошев, А. Бадалов, наманганлик А. Ёқубов, Ж. Дадахонов, самарқандлик А. Раваданов, Б. Муҳиддинов, қозоғистонлик К. Эдиллов ва М. Бекешовлар ўз вазн тоифаларида совриндорлар сафидан жой олишди.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЧЕЛЛЕНЖЕР» ҚАРШИГА КЕЛДИ

Қарши шаҳрида теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири бошланди. Унда 21 мамлакат вакиллари иштирок этмоқда.



Нуфузли турнирнинг саралаш босқичида вилоятнинг кўпгина ёш, умидли теннисчилари ҳам қатнашдилар. Чет эллик кучли теннисчилар билан бўлган беллашувлар уларнинг маҳоратини ошириш, вилоятда спортнинг бу турини оммалаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

— Халқаро теннис мусобақаларининг нуфузи тобора ошиб бораёпти, — дейди турнир супервайзери Карл Болдвин. — Мен Қаршида бешинчи халқаро турнирга раҳбарлик қилаяпман. Дастлаб «Фьючерс» турнирлари ўтказилган бўлса, икки йилдан бери Қарши «Челленжер»га мезбонлик қилмоқда. Қатнашчиларнинг сони ошиши билан бирга рейтинг ҳам юқорилаб бораёпти. Ҳозир ҳамманинг нигоҳи Пекин Олимпиадасига қаратилган бўлса-да, Қаршидаги турнирга ҳам кучли теннисчилар ташриф буюришди. Мусобақалар дастлабки кундан қизгин тус олди. Шаҳардаги теннис стадиони, айниқса, ундаги марказий корт тўлиқ реконструкция қилингандан сўнг муҳташам кошонага айланди. Ҳозир эркаклар ўртасида мусобақа бўлаёпти. Сентябрь ойида аёллар ўртасида теннис турнири ҳам биринчи марта Қаршида ўтказилади. Мусобақа голиблари 23 августда маълум бўлади.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шукрона

Нуронийларга эҳтиром

Истиқлолнинг 17 йиллиги олдидан Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Наманган ва Фарғона вилоятлари бўлими ташаббуси билан нуронийлар, ёши улуг кексаларга юксак ҳурмат-иззат кўрсатилмоқда.

Яқинда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига уюштирилган саёҳат ҳам

ана шундай эҳтиром намунасидир. — Самарқандга бир неча

йил аввал ҳам келгандик, — дейди ёзёвонлик меҳнат фахрийси Сотволди ота Валиев.

— Мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари, атрофнинг гўзаллиги кишини мафтун этади. Буларнинг бари истиқлол шарофатидир.

Саёҳат якунида таассуротларга бой бўлган видеофильм ишланиб, эсдалик фотоальбоми тайёрланди.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

Бу кун қутлуғ байрам тадориғидан қалбимиз, шууримиз чароғон. Энг улуг, энг азиз байрамга ҳар ким муносиб тўғна, совға ҳозирламоқда. Фермер тўқин дастурхони, новвой ширмон нонлари, хунарманд бежирим буюмлари, ҳазрати ишчи бунёдкорлик меҳнати билан байрамни байрамдагидек қаршилаш ҳаракатида...

ҚЎШИҚЛАРДА ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ

Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар, саховат ва хайрия кечалари ўтказилмоқда. Бундай эзултидан санъаткорларимиз ҳам четда қолшмаётти. Улар йилнинг асосий байрамига янги қўшиқлар, куй ва рақслар баҳшида қўлиш мақсадида ижодий изланишларда. Ҳушовоз хонанда Нуриддин Аскарлов ҳам, мана бир неча йилдирки, мустақиллик байрами арафасида Фарғона водийси бўйлаб хайрия концертлари ўтказиб келмоқда.

Нуриддин неча-неча санъат, маданият даргаларини етказиб берган, уларга беша билан Марғилон фарзанди. Шу ерда устозларнинг изидан бориб қўлига соз олди. Унинг илк хиргойларида ҳам, ўзбек мумтоз қўшиқчилигининг мулкига айланиб қолган қўшиқларида ҳам Жўраҳон Султоновнинг жангдор овози, Маъмуржон Узоқовнинг нафаси сезилиб туради.

— Бундан беш-олти йил аввал шахримиздаги Меҳрибонлик уйларида биринчи хайрия концерти бердик, — дейди санъаткор. — Кўнгли ярим болаларнинг

Химмат

қўзидаги ёниқ нигоҳлари, қўшиққа ташналик, ўқсик дилларнинг яшнаб-яйраб кетганлигини кўриб, бундай тадбирларни ҳар йили, ҳар доим ўтказишга қарор қилдик.

Айни кунларда ҳам у водийдаги болалар оромгоҳлари, харбий қисмлар, Меҳрибонлик уйларида энг латифатли қўшиқларидан гўлдаста қилинган хайрия концертларини ўтказиб келмоқда.

— Ҳар йили байрамлар, айёмлар арафасида муассасамизда яшовчи қария ва ногиронлар бундай тадбирларни инти-

зорлик билан кутишади, — дейди Фарғона шаҳридаги Саховат уйи раҳбари Тоҳиржон Ғозиев. — Бу йил ҳам Нуриддин Аскарлов бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар ташриф буюриб қўшиқлари билан барчанинг дилини хушнуд этишди.

Тадбир давомида болажонларга баҳоли қудрат совға-саломлар улашилди.

Худди шундай самимий дил сўзларини Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи, «Меҳнат-роҳат» оромгоҳи, вилоятдаги харбий қисм хизматчилари, жамоалари вакилларида ҳам эшитиш мумкин.

— Эл-юртга хизмат қилиш саодат, — дейди Нуриддин.

Унинг хайрия концертлари бунинг ёрқин исботидир.

Набижон СОБИРОВ.

Самарқанд шаҳрида анъанавий қовун сайли ўтказилди.

САМАРҚАНДА ҚОВУН САЙЛИ

Аҳолини юқори сифатли кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, қовунчиликда тўпланган деҳқончилик тажрибасини ўрганиш ва уни ривожлантириш, йўқолиб бораётган қовун навларини қайта тиклаш мақсадида ташкил этилган тадбирда барча туманлар вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди.

— Самарқанд азалдан тилими тили ёрадиган қовун-

Танлов

лари, уста деҳқонлари билан машҳур бўлиб келган, — дейди Қовун сайлини ўтказиш бўйича хайрат раиси Ҳасан Нормиродов. — Айниқса, «Қўқ каллаш», «Бўриқалла», «Дех-беда», «Обиновот», «Амири», «Қораканд», «Дониёри» каби қовун навлари етиштиришда самарқандлик миришкорлар катта доврўқ қозонган. Бунинг тадбиринг асосий мақсади ҳам Самарқанд қовунлари доврўқини қайта тиклаш, қовунчиликни янги ривожлантириш, мавжуд муаммолар ечимини тажрибали мутахассислар ёрдамида халқ этишдан иборат.

Қовун сайлида вилоятда етиштирилётган юзга яқин қовун навлари намойиш этилди. Танлов якунида Пахтачи тумани деҳқонлари биринчи бўлди. Иштирок ва тайлоқлик полизчиларга кейинги ўринлар насиб этди. Шунингдек, қовун етиштириш бўйича илғор фермер ҳўжаликлари, оилавий пудратчилар ҳам аниқланиб, рағбатлантирилди.

Ҳ. ҚАСАНОВ, ўзА мухбири.

NISSAN TIIDA
КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ

NISSAN TIIDA
Превосходная динамика и элегантный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, ☎ 295 88 77: цена от \$ 31 000*, гарантия — 2 года или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.

SHIFT_lifestyle

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан «Халқ сўзи» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» газеталари таҳририятлари байрам табрикларини чоп этиш учун корхона, ташилот, компания, қўшма корхоналардан тақлифларий қабул қилади.

Тел.: 236-09-25, 232-10-63. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru
Буюртмалар шў йилнинг 22 августигача қабул қилинади.

МИР обоев
Eckmann
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 777-71-20
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар 1-сонли юқумли касалликлар шифохонаси бош врачни Бахтиёр Қодировга волидаи муҳтарамаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Асалат ҚОДИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хайроти ҳамда касба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ядро физикаси институти шўъба корхонаси директори

Фаттоҳ САЙДУМАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi «Ўздавнефтигазиспекция» жамоаси иқтисодиёт ва ҳисоб-китоб бўлими ходими Бозор Назаровга падари бузруквори

ШЕРНАЗАР отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ипотекбанк» акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви ва жамоаси Қадрлар сисёати бошқармасининг бўлим бошлиғи Хуршида Шариповга падари бузруквори

Абдулмажид ШАРИПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"МИСТЕР БОНУС!"

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР УЧУН ҲАР ОЙ БЕПУЛ

200 **ДАҚИҚА**

Бонус ортиқча бўлмайдۇ

Эндилкида PerfectumMobile миждолази Қирғизистон Республикасида ҳам роуинг хизматидан фойдаланишлари мумкин.

PerfectumMobile
CDMA Dreams Come True!
(8598) 305-1111

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термилд ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☎ -Тижорат материалли

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ўзА якуни — 23.30

Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6 7

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — М. Охунова. Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов.